

Ҳ У К М
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2019 йил 15 апрель куни жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Бўка туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида,
раислик қилувчи: И.А.Турсунов,
судья ёрдамчиси Д.Расулованинг котиблигида, тарафлардан Тошкент вилояти Бўка туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Нишоновнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланувчи:

А. Ж. Р. ўғли, (А. J. R. o'g'li), 19... йил 1 июлда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти Бўка тумани, “...” МФЙ., ... кўчаси, 155-уйда яшовчи, айблов далолатномасини ўз вақтида олган, эҳтиёт чораси сифатида «Шахсий кафтиилик» қўлланилганга

нисбатан айблаш ҳақидаги 1-1105-1901/38-сонли жиноят иши кўриб чиқди.

Суд, судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни кўздан кечириб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни муҳокама қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

А. Ж. Р. ўғли 2019 йил 28 январь куни соат 17:45 ларда И.Абдуллаевга тегишли бўлган “ВАЗ-21011” жигули русумли давлат рақами 10 А ... СА бўлган автоуловни ҳеч қандай ҳужжатларсиз бошқариб, ҳаракати давомида Бўка тумани маркази томонидан Бекобод тумани томонга қараб, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларни 31 банди 6-қисмида кўрсатилган “қизил ишора, шунингдек, милтилловчи қизил ишора ҳаракатланишни тақиқлайди” деб кўрсатилган талабларни риоя қилмасдан, светафорни тақиқловчи қизил чирокларида қарама-қарши йўналишга чиқиб кетиши оқибатида, ҳайдовчи Б.Эргашев ишончнома асосида бошқариб юрган отаси Б.Э.Хусановга тегишли бўлган “Нексия” русумли давлат белгиси 10 А ... СА бўлган автомашинани йўлига чиқиб, йўл таранспорт ҳодисаси содир қилган.

Натижада “Нексия-2” русумли автомашина олд ўриндиғидаги йўловчиси Абдужабборов Жалолиддин Шароф ўғли бош мия ёпиқ шикасти пешона соҳаси йиртилган тан жароҳати олиб, Бўка тумани Тиббиёт бирлашмаси қабул бўлимига мурожаат қилган.

Суд тиббий экспертизанинг 2019 йил 25 февралдаги №94-сонли хулосасига кўра, Ж.Абдужабборовда ўнг сон суягини ўрта учлигидан синиши, ўнг товон ошиқ суягининг синиши тан жароҳатлари аниқланган бўлиб, бу тан жароҳатлари оғирлик даражаси кўра ҳаёти учун хавфли бўлган “Оғир” тан жароҳатлари тоифасига кириши кўрсатилган.

Судга оид транспорт-трасалогия экспертизасининг 2019 йил 11 февралдаги 55-сонли хулосасига кўра, “ВАЗ-21011” жигули русумли автомашинанинг олд ўнг бурчаги “Нексия” русумли автомашинасининг олд чап қисмига тўқнашган ва бу вақтда уларнинг бўйлама ўқлари орасидаги бурчак 160+5 даража атрофида бўлганлиги, тўқнашув вақтида “ВАЗ-21011” жигули ва “Нексия” русумли автомашиналари ҳаракатда бўлганлиги, йўл транспорт ҳодисаси чизмасида 3-сон билан келтирилган тўқилмалари ўрни жойлашган жой атрофида содир этилганлиги, кўрсатилган.

“Business standart” МЧЖнинг 2019 йил 5 февралдаги 73-19-сонли баҳолаш хулосасига кўра, “Нексия” русумли давлат белгиси 10 А ... СА бўлган автомашинага 9.673.410 сўм миқдорида моддий техник зарар етганлиги кўрсатилган.

Шунингдек, “Business standart” МЧЖнинг 2019 йил 26 февралдаги 73-19/1-сонли қўшимча баҳолаш хулосасига кўра, “Нексия” русумли давлат белгиси 10 А ... СА бўлган автомашинага яна 1.193.631 сўм миқдорида моддий техник зарар етганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, “Нексия” русумли давлат белгиси 10 А ... СА бўлган автомашинага етказилган моддий техник зарарни баҳолаш учун Б.Эргашев томонидан 50.000 сўм тўлов пули тўланган.

Суд мажлисида судланувчи Ж.А. унга эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлигини билдириб, қуйидагиларни, яъни у 2019 йил январь ойида И.Абдуллаевнинг номида бўлганлигини “ВАЗ 21011” жигули русумли давлат рақами 10 А ... СА бўлган машинани сотиб олиб, суғурта полисини расмийлаштириб, бошқариб келаётганлигини, 2019 йил 28 январь соат 14:00 ларда автомашинани ҳеч бир ҳужжатсиз бошқариб, Бўка марказига келганлигини, Бўка туман марказидан амакиси Раҳматуллани машина олд йўловчи ўриндиғига миндирганлигини, у машинани Қорасув-Бўка-Бекобод автомобил йўли бўйлаб, 60км/соат тезликда бошқариб йўлга чиққанлигини, бу вақтда кун охирида, қоронғу тушиб қолганлигини, Бўка тумани марказида жойлашган “Замин” савдо маркази ёнида турган ЙХХБ ходимлари уни бошқарувида бўлган автоуловни йўл четига тўхтатиши тўғрисида ишора беришганлигини, у автомашинани бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончномаси бўлмаганлиги сабабли, ЙХХБ ходимларига тўхтамасдан 60-70 км тезликда қарама-қарши йўлга чиққанлигини, чунки уни йўналишида қизил чироқ ёнганлиги сабабли, у автомобиллар ҳаракатланиш йўлининг қарама-қарши йўналишига ЙХХБ ходимларидан қочиб, чиққанидан сўнг 2-3 метр ҳаракатланиб, бошқарувидаги машинани бир нарсага бориб урилганлиги овозини эшитганлигини, сўнг ўзини йўқотиб қўйганлигини, автомашинадан тушганида, у бошқарувида бўлган машинани “Нексия” машинасига бориб урганлигини билганлигини, шундан сўнг у ўзига келган вақтида, Бўка тумани марказий шифохонасида эканлигини билганлигини, у билан бирга бўлган машина олд йўловчи ўриндиғида ўтирган таниши Раҳматилланинг ҳам ушбу йўл транспорт ҳодисаси натижасида енгил тан жароҳати олганлигини. Ҳозирда жабрланувчи Ж.Абдужабборовга нисбатан етказилган 3.000.000 сўм моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, бироқ, оилавий шароити ва иқтисодий шароити

оғирлиги сабабли фуқаровий даъвогарга нисбатан етказилган 10.917.042 сўм моддий зарарни қоплашга имконияти йўқлигини, имкони бўлиши билан моддий зарарни қоплашлигини, оилавий шароити оғирлигини инobatга олиб, унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўраб, кўрсатма берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ж.Абдужаббаров қуйидагиларни, яъни 2019 йил 28 август куни ўз ишларини қилиб юрган вақтида соат 17:30 ларда ўртоғи Б.Эргашев отаси Бахтиёр акага тегишли бўлган давлат рақам белгиси 10 А ... СА бўлган автомашинасида келиб, унга Бўка тумани марказига бориб келишини айтганлигини, у уйда бўлганлиги сабабли, ўртоғи Б.Эргашев билан бирга чиқиб келишга рози бўлганлигини ва улар Бўка тумани маркази томонга қараб ҳаракатланиб келиб, Бўка тумани Ҳамза кўчасидан Бўка тумани маркази томон буриладиган йўлга келганида светофорни яшил чироқлари ёнганлиги сабабли, улар Бўка тумани маркази томонга қараб бурилаётган вақтида, Бўка тумани маркази томондан ҳаракатланиб, келаётган автомашиналар тўхтаб турганлигини ва улар бурилиб, олмоқчи бўлганмида қарама-қарши йўлдан бирданига “ВАЗ-21011” жигули русмили автомашина тезликда келиб, улар келаётган “Нексия” автомашинасига келиб тўқнашганлигини, шунда уни оёғи синганлигини, шундан сўнг уни Бўка тумани тиббиёт бирлашмасига олиб боришганлигини. Ҳозирда унга нисбатан судланувчи Ж.А. томонидан моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қопланганлигини, шу сабабли унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини айтиб, кўрсатма берди.

Суд мажлисида дастлабтки терговда берган кўрсатмаси ўқиб эшиттирилган фуқаровий даъвогар Б.Эргашев қуйидагиларни, яъни у отаси Б.Хусановга тегишли бўлган давлат рақам белгиси 10 А ... СА бўлган Нексия автомашинасини ишончнома асосида бошқариб келишини, 2019 йил 28 январь куни соат 17:45 ларда ўртоғи Ж.А. билан бирга бошқарувидаги автомашинада уни яшаш манзили Бўка тумани Ж.Ёров кўчасидан чиқиб, Ҳамза кўчаси орқали юриб келганлигини, Қорасув-Бекобод автомобиль йўлига яъни Бўка тумани Ҳамза кўчалари билан туташган жойга келган вақтида, у ерга ўрнатилган светофорни уни йўналишига яшил чироқлари ёнган ҳолатда эканлигини кўрганлигини, ҳаракат йўналиши очик эканлигига ва бошқа йўналишдаги автомашиналарни тўхтаб турганлигини кўриб, ҳаракатланишда давом этганлигини, шунда Ж.А. уни ёнидаги ўриндикда ўтирган ҳолда келаётганлигини, автомобилда ҳаракатланиб чиққанлигини, Бўка шаҳри йўналишига қараб бурилиб, ўзини ҳаракат йўналиши томонга ўтаётган вақтида, светофорни қизил чироқларида тўхтаб турган автомашиналар орқасидан қизил рангли жигули автомашинаси ҳаракатланиб, уни йўналишига қараб ҳаракатланиб чиқиб қолганлигини, у ушбу автомашиналарни олдинги қаторда турган автомашиналарни орқасидан чиқиб келганлиги учун кўрмасдан қолганлигини, автомашинани тўхтатиб қолишга ҳам улгурмаганлигини, унга қарама-қарши томондан ҳаракатланиб келган унга нотаниш кейинчалик билишича Бўка тумани Мойтепа маҳалласида яшовчи Ж.А.ни бошқарувида бўлган жигули автомашинасини олди қисми билан уни бошқарувидаги Нексия автомашиналарни олд қисмлари тўқнашиб кетиб, йўл транспорт ҳодисасини

содир этишганлигини, сўнг уни ёнидаги ўриндикда ўтирган Ж.А. ва жигули ҳайдовчиси тан жароҳати олишганлигини. Ҳозирда автоуловига етказилган зарар ва автоуловини нархлатиш учун тўлаган пули билан бирга 10.917.042 сўмни таш кил этишлигини, шу сабабли ушбу зарарни судланувчи Ж.А.дан ундириб беришни сўраб, кўрсатма берди.

Шунингдек, судланувчи Ж.А.нинг жиноят содир этганликдаги айби, ходиса содир бўлган жойини кўздан кечириш ҳақида баённомаси, чизмаси ва фотожадвал (и.в.5-13), транспорт воситасининг техник ҳолатини кўздан кечириш ва текшириш ҳақида баённома (и.в.15-16), судга оид криминалистик экспертиза хулосаси ва фотожадвал (и.в.51-53), судга оид тиббий экспертизасининг 2019 йил 25 февралдаги Ж.Абдужаббаровга нисбатан 94-сонли хулосаси (и.в.57-58), ашёвий далилни олиш ва кўздан кечириш баённомаси (и.в.60-), Нексия русумли автомашинани баҳолаш хулосаси (и.в.76-86), гувоҳ Р.Анорбоевнинг дастлабки терговда берган кўрсатмаси (и.в.102-104), гувоҳ А.Раимкуловнинг дастлабки терговда берган кўрсатмаси (и.в.105-107) ва бошқа иш бўйича тўпланган далиллар билан ўз тасдиғини топди.

Суд, судланувчи Ж.А.нинг содир этилган жиноий ҳаракатларининг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан, яъни транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга оғир шикаст етказилиши сабаб булишда ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги 10-сонли “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 25-бандида “Судлар йўл-транспорт ходисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига, ходиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки

оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шарт.” деб кўрсатилган.

Суд, юқоридаги қонун ва Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54, 55, 56-моддалари талабларига риоя қилиб, судланувчи Ж.А.га жазо тайинлашда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини, унинг шахсини, айбига тўлиқ иқроқ бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, жабрланувчи Ж.Абдужабборовга етказилган зарарни тўлиқ қопланганлигини, фуқаровий даъвогар Б.Эргашевга етказилган моддий зарар қопланмаганлигини, унинг моддий даъвоси борлигини инобатга олиб, унга айбдор деб топилаётган модда санкцияси доирасида ахлоқ тузати ишлари жазоси тайинлашни ҳамда ушбу жиноят иши бўйича Йўл ҳаркати қоидаларини судланувчи Ж.А. томонидан кўпол равишда бузилганлиги натижасида жабрланувчи Ж.Абдужаббаровга оғир тан жароҳати олишига сабаб бўлганлигини эътиборга олиб, судланувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасига асосан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги кўшимча жазо чорасини қўллашни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд, судланувчи Ж.А.дан фуқаровий даъвогар Б.Эргашев фойдасига 10.917.042 сўм моддий зарар ундиришни, жабрланувчи Ж.Абдужабборовнинг судланувчи Ж.А.га моддий ва маънавий даъвоси йўқлиги инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

А. Ж. Р. ўғли (А. J. R. o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақидан 10 фоиз давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати Ж.А. ахлоқ тузатиш ишини бошлаган кундан ҳисоблансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро қилиш Тошкент вилояти, Бўка туман ИИБга юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг Ж.А.га нисбатан қўлланилган “Шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Судланувчи Ж.А.дан фуқаровий даъвогар Б.Эргашев фойдасига 10.917.042 (ўн миллион тўққиз юз ўн етти минг қириқ икки) сўм моддий зарар ундирилсин.

Жабрланувчи Ж.Абдужабборовнинг судланувчи Ж.А.га моддий ва маънавий даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози томонлар, ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн

сутка ичида, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ўн сутка муддат ўтгандан сўнг кассация тартибида протест ёки шикоят билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

И.А.Турсунов

Нусха аслига тўғри: